Давлат тил ва тарих-тадқиқот палатаси
Тошкент вилоят бошқармаси
Гос. комитет по языку и истории УзССР
10 НОЯ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 242 (5533).
22 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! МАШИНАЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАРДАН ЯХШИ ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ИШЛАБ ТУРГАН ВА ЯНГИДАН ФОЙДАЛАН И ШГА ТОПШИРИЛАДИГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ ТУЛИҚРОҚ УЗЛАШТИРИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

60

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Жилстрой» трестининг 40-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Ўрин Эшёзов бошлиқ комплекслашган бригада коллективи республика юбилейи шарафига бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келмоқда. Коллектив «Беш кунлик топшириқ — тўрт кунда» шиори остида ишлаб, смена топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда.

БУГУН

бригада пудрати методи асосида ишлаётган қурувчилар Қорақамиш — 2/5 массивида навбатдаги беш қаватли, 40 квартирали уй қурилишида ишлаб чиқариш графигидан бир ҳафта илгарилаб кетди.

Бригаданинг монтажчилари Александр Альберт, Худойберди Мамедовлар конструкцияларни яхши сифат билан монтаж қилмоқдалар. Қурувчилар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбурият олдилар. Улар бу шонли санага қадар ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йиллик планини бажаришга аҳд қилдилар.

Бундан ташқари бу илғор бригада коллективи «Буюк Ғалаба»нинг 40 йиллигига — 40 зарбдор меҳнат ҳафтаси» шиори остидаги ташаббусга ҳам якдиллик билан қўшилди. Улар Буюк Ғалаба шарафига бир кун ишлаб беришади, ва шу кундан тушган иш ҳақини Тинчлик фондига ўтказишга аҳду паймон қилдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 20 октябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVII пленуми бўлди. «Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Ўрсатмалари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров, Нишон районидаги Ч. Бегимқулов номли совхоз бригадири А. Н. Носирова, ёзувчи К. Нўъмонов (Яшин), «Ўзбекшахтострой» қурилиш трести ғишт терувчиларининг бригадири Д. А. Зазулин, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Х. И. Исманов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ И. И. Скиба, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими ўртоқ М. Л. Ишков иштирок этдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони ўртоқ Н. И. Попов Марказий Комитет составига киритилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ К. Саликов Марказий Комитет составига киритилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Ўртоқ П. В. Догонкин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири, ўртоқ В. И. Плетнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири этиб, ўртоқ Р. Ҳ. Абдуллаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси этиб тасдиқландилар.

Пленум Р. Ҳ. Абдуллаев, С. А. Асриянц, Т. Дадажонов, Н. И. Ермолаева, Д. А. Зазулин ўртоқларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Пленум Р. Ғ. Ғойипов, З. И. Есенбоев, У. Тўрақулов, М. Камоловани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составидан чиқарди. Пленум А. Каримов, В. Усмонов, А. Одиловни КПСС сафидан ўчирди. Т. Р. Тиллаев Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссияси составидан чиқарилди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугатди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

● КПСС Марказий Комитети «Арманистон республика партия ташкилотида КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида» қарор қабул қилди.

(Мазкур қарорнинг батафсил баёни кечаги сонги газеталарда эълон қилинган).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

● Матбуот маркази хабар беради

ТАШКИЛИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАЙЛИК

Шаҳар бошланғич партия ташкилотларида давом этаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотларининг фаоллияти, партия XVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленум қарорлари асосида ишлаб чиқариш ва тарбиявий ишларга уларнинг таъсирини кучайтириш имкониятлари ҳар томонлама кўриб ва эътибор билан қараб чиқилмоқда.

Бугунги кунгача 1482 бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу бошланғич партия ташкилотларида 37232 коммунист учётда туради. Йиғилишлар коммунистларнинг юксак активлиги ва уюшқоқлиги билан ўтмоқда. Бўлиб ўтган йиғилишларда 35832 киши қатнашди. Ҳисобот докладлари бўйича музокараларда 327 киши ёки учётда турган коммунистларнинг 26 процентн, шу жумладан 1196 ишчи ўзга чиқди.

Йиғилишлар қатнашчиларининг асосий эътибори партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга, беш йиллик якунловчи босқичида ишларни яхшилаш резервларини тошириш, план ва мажбуриятларни, КПСС XVI съезди қарорларини бажаришда уларнинг янада тўлароқ фойдаланишга қаратилмоқда.

Бўлиб ўтган йиғилишларда 554 партия, комсомол ва меҳнат ветерани сўзга чиқди. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг ўтган вақт ичида эришилган ютуқларни холисона таҳлил этиб, партиявий иш услуби муттасил такомиллашиб бораётганини, бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва тарбиявий роли ошганини таъкидладилар.

Кўпчилик йиғилишлар принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги вазнятида ўтди. Уларда ўтган йилларгадагига қараганда танқидий мулоҳаза ва таклифлар анча кўп. Уларни амалга ошириш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган ва изчил бажарилмоқда.

10 ноябргача яна 2064 бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтади. Бу бошланғич партия ташкилотларида учётида 57809 коммунист бор.

4.000.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 18

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 20 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,28	84,54
Тошкент	1,65	82,89
Наманган	1,60	78,73
Андижон	1,31	76,68
Сурхондарё	1,47	71,64
Хоразм	1,87	68,76
Сирдарё	2,62	67,00
Самарқанд	1,47	57,29
ҚҚАССР	1,87	54,42
Бухоро	0,88	53,47
Жиззах	1,61	51,93
Навоий	1,30	49,35
Қашқадарё	1,04	38,08
Республика бўйича	1,51	64,94

ШАҲАРЛИКЛАР УЙГАН ХИРМОН

Шу кунларда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районининг ишчи ва хизматчилари Сирдарё райони пахтакорларига яқиндан ёрдам кўрсатишяпти. Райондаги «Ўзбекистон» колхози далаларида пахта тераётган республика аптекалар Бош бошқармаси, район халқ маорифи бўлими ходимлари, давлат ҳисоблаш бошқармаси, шаҳар ёқилғи базаси ишчи ва хизматчилари ҳар куни кўп пахта теришмоқда. Колхозда пахта плани ҳозир 80 процентдан ошиб кетди. Бунда албатта шаҳарлик ҳашарчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Шу колхозда пахтакорларга ёрдам кўрсатаётган шаҳарлик бирдорлар терган пахта 60 тоннага етай деб қолди.

С. Юнусова, М. Одилова, Г. Зокиров каби ўнлаб ҳашарчилар кунига 90—100 килограммдан пахта теришмоқда. Уларнинг ҳар бири терган пахта ҳозир 2200—2500 килограммдан ошди.

— Терим суръатини оширишда коллективлар, шунингдек теримчилар орасидаги социалистик мусобақани тўғри уюштириш жуда катта омил бўляпти,— дейди шу колхоздаги район штаб бошлиғи, республика аптекалар Бош бошқармаси партия ташкилотининг секретари Н. Мўминбабеков, — мусобақани ҳар беш кунда якунлаш билан бирга, ҳар куни «Жанговар варақа» чиқаряпмиз. Унда коллективларнинг бажарган иши ва кеча қанча килограмм пахта териб, қайси ўринни эгаллаганлиги ёзилади ҳамда энг кўп пахта терган илғорлар, шунингдек ғаниматфурсатларни қўлдан бой бериб, кунни бефойда ўтказиб, кам пахта тераётган кишиларнинг номи айтилади. Ана шу тадбирлар туфайли колхозда ишлаётган ҳашарчиларнинг ҳаммаси унумли меҳнат қиляпти. Улар республикамизнинг ва сирдарёликларнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш ниятида астойдил тер тўкмоқдалар.

Б. ШОНАЗАРОВ.

БЎЛАЖАК МЕДИКЛАР ПАХТАЗОРДА

Айни долзарб кунларнинг қадрига етган бўлажак медицина ҳамшираларн, фельдшерлар, фармацевтлар пахта йиғим-теримида актив қатнашишмоқда. Охунбобоев номли медицина билим юртининг мингдан ортиқ ўқувчилари шу кунларда Жиззах областининг Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхози далаларида юбилей йили ҳосилни тез ва соз териб олишда фаол иштирок этишяпти.

— Ҳашарчи ўқувчилар 12 группага бўлинган,— дейди дала штабининг бошлиғи, билим юрти директори А. Мирхўжаев. — Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Ўқувчилар барча қулайликларга эга бўлган дала шийпонларига жойлаштирилган. Айни кунларда Н. Қўчқоров ва Б. Нажмиддинов бошлиқ бригадалар социалистик мусобақада олдинги сафда боришмоқда. Ш. Акрамова, Н. Насимова, Д. Шодмева сингари бўлажак медиклар кунига ҳармонга 150 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкишяпти. Билим юртининг ҳар бир ўқувчиси бу йил камида 2 тоннадан пахта териб беришга сўз берган.

СУРАТДА: ҳашарчи — бўлажак медиклар.







ЎТТИЗ ҚАВАТЛИ БИНО

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги майдони атрофида ўттиз қаватли меҳмонхона биносини бунёд этиш юзасидан тадбирлар белгиланмоқда. Марказий эксперименталь лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг бир группа ходимлари ана шу осмонўпар бинонинг лойиҳасини ишлаб чиқмоқдалар. Тошкентлик меъморлар лойиҳанинг икки хил вариантини таклиф этдилар. Биринчи вариантда меҳмонхона корпусини цилиндр шаклида қуриш таклиф этилган. Лекин бу қурилиш ишларини анчагина мураккаблаштириб юборади. Шунинг учун ҳам бу лойиҳадан воз кечилди.

Лойиҳанинг иккинчи вариантига кўра бино тўғри бурчакли бўлади. Унга кўп қаватли бинолар — вестибюль, томошабинлар зали ва 1300 ўринли ресторан туташтириб қурилади.

МОСКВА. Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов — Г. Каспаров матчининг кечиктирилган ўн бешинчи партиясида 93-юришда дуранг натижа қайд этилди. Бугун навбатдаги партия ўйналади. Ҳозирча матчда жаҳон чемпиони 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

ВОЛГОГРАД. М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг ўн учинчи партиясидан сўнг М. Чибурданидзе 8 очко тўплаб, шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолганлиги ҳақида хабар қилган эдик. Аммо матч давом этяпти. Чемпион танаффус олганлиги сабабли навбатдаги 14-партия эртага ўйналади. Ҳисоб 8:5 Чибурданидзенинг фойдасига.

● Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ЎРУШ ВЕТЕРАНЛАРИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНСИН

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 25 сентябрь сонида босилган «Олтинчи кварталда... келинг» ва «ЦУМдаги танқислик» мақолалари ҳақида.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кўрсатиб ўтдики, «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 25 сентябрь сонида босилган «Олтинчи кварталда... келинг» ва «ЦУМдаги танқислик» мақолаларида Сергели райпишчеторгининг 12, Киров райпишчеторгининг 21, Ўзбекистон «Гастроном» конторасининг 16-магазинларида Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги нуқсонлар ҳақидаги масалалар ҳаққоний кўтариб чиқилган. Чунончи, тегишли қулайликлар йўқлиги, зарур товарлар, айниқса ноозиқ-овқат товарларга эҳтиёж қониқарсиз қондирилаётгани, муайян контингентдаги кишиларга хизмат кўрсатувчи магазинларга гўшт маҳсулотлари ва бошқа асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш графигининг бузилишлари, сифатсиз маҳсулот сотилиши кўрсатилган.

Ижроия комитет шуни ҳам таъкидлаб ўтдики, савдо Бош бошқармасининг меҳнаткашлар хатлари ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича иши, уларни таҳлил этиш ва жавоб беришдаги эътиборсизлик, тушган аризалар ҳамда ўз қарорлари бажарилишини назорат этиш бўшлиги жиддий танқид қилинди. Айнан шундай ишга бўлган лоқайдлик оқибатида М. А. Заҳлованинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан тушган «Хизмат-беминнат» фирмасининг 13-магазинида савдони ташкил этишдаги нуқсонлар ҳақидаги, А. А. Климовнинг Киров райпишчеторгининг 32-магазинида савдо қоидалари бузилишлари ҳақидаги, П. Ф. Сусловнинг «Хизмат-беминнат» фирмасининг 9-магазинида қулайликлар яратилиши ва реконструкция ишлари ҳақидаги аризаларн муддатидан анча кечикиб кўриб чиқилган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳар савдо корхоналарида Улуғ Ватан урушн инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги нуқсонлар тўғрисида «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 25 сентябрь сонида босилган «Олтинчи кварталда... келинг» ва «ЦУМдаги танқислик» мақолаларини ҳаққоний деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Савдо Бош бошқармасида Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига савдо хизмати кўрсатишнинг ташкил этилишини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи В. А. Горенковга меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш ишларини яхшилаш ҳамда хатлар ва аризаларга юзаки ва лоқайд муносабатда бўлган шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш таклиф этилди.

«Узмясомолторг» Тошкент шаҳар конторасн (бошлиғи Р. С. Мирсандов)га шаҳарнинг муайян контингентдаги кишиларга хизмат кўрсатувчи магазинларига гўшт маҳсулотлари етказиб беришни таъминлаш ва бу ишда маҳсулот етказиб бериш бўйича тасдиқланган график бузилишларига йўл қўймаслик таклиф этилди.

Халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларига Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатувчи магазинларда савдо қоидаларига риоя этилиши бўйича жамоатчилик комиссиялари ишини активлаштириш таклиф этилди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Пойтахтимиздаги йирик корхоналарнинг маданият саройлари бадиий ҳаваскорлик коллективларидан тузилган саккизта агитбригада пахтакорлар ва ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида пойтахт областининг хўжаликларига жўнаб кетди. Шаҳарлик маданият ходимлари ёрдамида Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида дўстлик байрами бўлиб ўтди. Унда Литва ССРнинг «Гундега» рақс ансамбли коллективи ҳам қатнашди.

НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ ЮКСАК ГРАЖДАНЛИК БУРЧИ

ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО НУТҚИНИНГ ҲАР БИР САТРИ— ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛДИР.

Ҳар бир—диққат қилинг,—ҳар бир совет киши си ўзини халқ контролёри деб билиши, у мана шу юксак граждан лик вазифасига мувофиқ равишда ўйлаши ва иш кўриши лозим.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 10 (209)



II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери П. Чекунов «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида муносиб обрў қозонган. У бир неча бор коммунистик меҳнат коллективи номини тасдиқлаган йиғувчилар бригадасига бошчилик қилади.

Коммунист П. Чекуновнинг яна бир фахрли бурчи бор. У корхона халқ контролн бош группасининг аъзоси бўлиб, рейд ва мунтазам қатнашади. Халқ назоратида Павел Николаевич қамчиланган лиги, партиявий принципиаллик қилаларни таҳлил эта олиш қобилиб туради.

СУРАТДА: П. Н. Чекунов.

М. Нурал

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

СЎЗ — КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ОММАГА

МАСЪУЛИЯТ УЛЧОВИ

ХЎЖАСИЗЛИК АДРЕСЛАРИ

НАЗОРАТЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ИШОНЧЛИ ШЕРИК

«Ўртоқлар, фаолиятингизнинг кўпчилик бўлмаганда ҳам анчагина қисми экономика проблемалари билан, унинг самарадорлигини ошириш ишлари билан боғланган ва бу табиий бир ҳолдир», — деди ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида.

«Ташсельмаш» назоратчилари ушбу кўрсатмани ўзларининг жонажон ишлари деб қабул қилдилар. Бизнинг корхонамиз пахта териш комбайнлари, уларга эҳтиёт қисмлар тайёрловчи мамлакатдаги ягона корхонадир. Шу боисдан машинасозларимиз мамлакат пахтакорлари буюртмаларини ўз вақтида сифатли тайёрлашга интилишяпти.

План асосида маҳсулот етказиб берилиши партия ташкилоти, корхона раҳбарлари, етти минг кишилик коллективнинг барчаси ва завод халқ назоратчиларининг катта отряди диққат марказида ҳамиша турибди. Улар шартнома мажбуриятлари бажарилиши борасидаги эътиборлар қошириш яптти.

Ташсельмашчил а р республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги йилида, айниқса самарали ишлашяпти. Тўққиз ой ичида мамлакат пахтачилик хўжаликларига 7350 ўрнига 7712 та «зангори кема» жўнатилди. Планда кўзда тутилганидан 197 минг сўмлик кўп, яъни 12659 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар юборилди.

Бунда завод назоратчиларининг хизмати оз эмас. Халқ контроли бош группаси, цех группалари, партия ташкилотининг кўплаб кўнгилли ёрдамчилари фаоллиги корхона ишлаб чиқариш фаолиятидаги нуқсонларни очишда ва уларнинг олдини олишга ёрдам беряпти.

Ҳозир корхонада 1985 йил бошида ўтиладиган иқтисодий эксперимент шароитида ишлашга актив тайёргарлик кўрилянти.

Биз, ишончли шерик деган номни оқлаб келаётганим и з д а н фахрланамиз. Бу муҳим ишга завод назоратчилари муносиб ҳисса қўшаверадилар.

В. СИМЧЕНКО,
«Ташсельмаш» заводи халқ контроли бош группаси раиси.

• *Сўз—кенгаш қатнашчиларига*

ОЛДИНДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Мен иштирок этиш бахтига муяссар бўлган Бутуниттифоқ халқ контролёрлари кенгашидан, ундаги КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг сермазмун нутқидан катта таассурот олиб қайтдим.

Уйга қайтгач биз корхонамиздаги назоратчиларни тўплаб, кенгашда олдинга қўйилган вазифалар асосида ўз ишимизни муҳокама қилдик, назоратчиларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқдик.

Бирлашмамизда жами 174 назоратчи бор, шундан 92 нафари КПСС аъзосидир. Бу катта куч. Ўз ишимизда биз ишлаб чиқариш масалаларига, маҳсулот сифатини яхшилашга, омборларда хом ашё ва материалларнинг сақланиши аҳволига эътибор бераимиз. Халқ контроли группаси меҳнат интизомига риоя қилиш, юк транспортидан фойдаланиш борасида талайгина текширувлар ўтказишди. Баъзи пайтларда биз «Комсомол прожектори», турли бўлимларнинг мутахассислари билан бирга, ликда рейдлар ташкил этамиз.

Лекин ҳали бизда ҳаммаси жойида, деб бўлмайди. Ўтказилаётган текширувларнинг ошкоралиги етарли эмас, халқ контроли группаси ишида ҳамма назоратчилар ҳам актив иштирок этишмайди. Ишимизга касаба союз активини, ишлаб чиқариш илғорларини кўпроқ жалб этиш керак.

Олдинда катта, масъулиятли вазифалар талайгина. Бирлашма назоратчилари уларни бажаришга тайёрдирлар.

Н. НАЗИРОВА,
«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси, халқ контролн бош группаси аъзоси.

ЎЗ ВАҚТИДА ТУЗАТАЙЛИК

Ўртоқ К. У. Черненко Кремлда бўлиб ўтган халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида нуқсонларни ўз вақтида пайқаш, уларни йирик хатога айланиб кетмаслигини ўлдини олишни назоратчиларнинг муҳим вазифаларидан бири қилиб қўйди.

Бу бизнинг методларимиздан биридир. Масалан, халқ контроли группасининг рейдларидан бирида озиқ-овқат маҳсулотлари омбори антисанитария ҳолатида эканлиги аниқланди. Нуқсонлар диққат билан таҳлил этилгач, буларни бартараф этиш бўйича тадбирлар белгиланди.

Бир ойдан кейин бўлган иккинчи текшириш пайтида нуқсонлар бартараф этилди.

Сўнгги ойларда халқ контроли групасининг актив фаолияти натижасида бирлашган кўп профилли болалар шифохонасида сезиларли ўзгаришлар бўлди — ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди, прогул камайди, /иш вақтидан самарали фойдаланила бошланди. Медицина ходимлари муттасил ўз билимини ошириб боряпти. Маъмурият врачларнинг ва ҳамшираларнинг малакасини оширишга доимий эътибор беряпти. Шифохонани, беморларни қўшимча текшириш учун медицина аппаратуралари билан таъминлаш яхшиланди.

Яқинда бўлиб ўтган халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида назоратчиларнинг иш якунлари кўриб чиқилди. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг ёркин, илҳомбахш нутқи мамлакат халқ назоратчиларини и н г узоқ муддатга мўлжалланган жанговар, конкрет ҳаракат программаси бўлиб қолди.

Ҳамза район халқ контроли комитетининг активи ҳам кенгаш материалларини чуқур ўрганмоқдалар. Биз бу кенгаш материалларидан ўз ишимизнинг асосий йўналишларини, камчилик ва нуқсонларни билиб олдик.

Ҳар бир назоратчи кенгаш материалларини кўриб чиқиб, ўз ишини қайта кўриб чиқиши, давлат манфаатларига, қонунчиликка қатъий риоя қилиш, хўжасизликка, давлат мулкини талон-тарож қилишга қарши муросасиз кураш олиб бориши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, шаҳар партия комитетининг VI пленуми қарорларини амалга ошира бориб, район халқ контроли комитети бир қатор муҳим тадбирлар белгилади. Шу йилнинг саккиз ойида комитет мажлисларида 47 та текшириш якуни кўриб чиқилди. Уларда 150 дан зиёд корхона ва ташкилотлар қамраб олинди. Районимизнинг саноати тобора кенгайиб бораётгани муносабати билан баъзи масалаларга тўхталиб ўтишни истардик.

Саноатда моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга катта эътибор бериши керак. Текширишда шу нарса белгиландики, бу масалага ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек эътибор берилавермас экан. Масалан, ёғ-мой комбинатида (бош инженери А. Муслимов) топшириққа кўра 80 тонна ёқилғини кам тежалган. 16 минг киловатт-соат электр энергиясини кам иқтисод қилган. Ҳолбуки, қоғоздаги ҳисоботларда бу иш силлиқ қилиб кўрсатилган. Корхонада ҳатто иқтисод қилинмаган материаллар иқтисод қилинди деб 12 мингдан сўм кўпроқ мукофот ҳам олишган. Бу ерда ресурсларни тежаш комиссияси бор. Халқ контроли группасининг аъзолари (раиси Б. Нажимов) ҳам шу коллектив аъзоси. Улар мутлақо фаолият кўрсатмаганлар. Иш планига эга бўлмаганлар.

Район халқ контроли комитети комбинатдаги қонун бузишлар тўғрисидаги маълумотларни жиддий муҳокама қилди. Ёғ-мой комбинатининг бош энергетиги В. Боговлянский вазифасидан четлаштирилди. Халқ контроли группасининг ишига принципиал баҳо берилди.

Кенг истеъмол молларни эвазигагина кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш топшириғи «бажарилган». Корхона раҳбарлари завод ходимларининг квартираларини ремонт қилиб бериш эвазига олинган 7 минг сўм пулни корхонанинг ишлаб чиқариш планига қўшимча ҳилоф суратда қўшиб юборганлар.

Юқорида айтилган корхоналарнинг раҳбарлари муносиб жазоландилар.

Халқ контролёрининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида ўртоқ К. У. Черненко партия ва ҳукуматимиз капитал қурилишдаги нуқсонларга барҳам беришда, халқ контролининг актив ёрдам беришига умид қилганлигини таъкидлаган эди. Ҳозирги вақтда район қурилиш ташкилотларидаги халқ контроли группалари олдида планни бажариш; ўғирликларга қарши кураш, иш сифати, меҳнат унумдорлигини оширишга муттасил эътибор бериш вазифаси турибди.

Районда 1-ва 2-йўсовлик комбинатлари (раҳбарлари Э. Рустамов ва Ю. Винтовкин) турар жойларни фойдаланишга топшириш бўйича, «Дорстройтрест»нинг 351-қурилиш-монтаж поезди (бошлиғи Р. Юсупов), «Средазэлектрос е т ьстрой» трестининг ихтисослашган қурилишмонтаж бошқармаси (бошлиғи В. Москаленко) ва бошқа ташкилотлар бош пудрат бўйича планни бажармадилар.

Бунинг сабаби шундаки жойларда халқ контроли группалари бўш иш олиб боряпти.

Район халқ контроли комитети қурилишида план ва давлат интизомини бузаётганларга жиддий ёндошмоқда. Уларни жавобгарликка тортмоқда.

Район назоратчилари корхона, қурилишларда ва бошқа соҳаларда тегишлича тартиб ўрнатиш учун ҳали кўп иш қилишлари керак. Кўпгина вазифалар борки, уларни амалга ошириш зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашни талаб этади. Партия ташкилотлари раҳбарлигида назоратни кучайтириш, ҳар қандай вазифани партиявийчасига ҳал этиш лозим. Ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида таъкидлаганидек, халқ назоратчиси ҳамиша, ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда — курашчидир. У доимо толмас курашчи бўлиб қолаверади.

Ҳамза райони назоратчилари ўзларининг кундалик ишларида ана шундай бўлишга интилмоқдалар.

Н. УСМОНОВ,
Ҳамза район халқ контроли комитетининг раиси.

Юксак гражданлик бурчи

Ҳамиша актив курашчи бўлайлик

Мен Бутуниттифоқ назоратчилар кенгашида иштирок этганим билан фахрланаман. Ўйлайманки, бу шифохона халқ назоратчиларига ўз ишларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

М. ИСРОИЛОВА,
Шаҳар бирлашган кўп профилли болалар шифохонаси бўлим мудири, халқ контроли бош группаси аъзоси.

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

Акмал Икромов району

Район халқ контроли комитети навбатдаги мажлисида Тошкент зар-гарлик заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пастлиги ва шартнома мажбуриятлари бажарилишидаги нуқсонлар ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Фақат 1984 йилнинг биринчи ярим йиллигида корхонага жами 752 минг сўмлик 597 та даъво билдирилди.

Комитет, завод ишидаги кўрсатиб ўтилган нуқсонлар учун корхона директори А. Каримовга, коммерция масалаларн бўйича директор ўринбосари А. Алимовга, техника назорати бўлими бошлиғи А. Саматовга жазо берди ва пул жаримаси солди.

Киров району

Назоратчилар «Узмежколхозпроект» институтининг Тошкентдаги комплекс лойиҳалаш бўлимида меҳнат қонунчилиги, штат-молия интизоми қўпол бузилишларини ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилинганлиги фактларини аниқлашди.

Район халқ контроли комитети қўпол нуқсонларга йўл қўйилганн учун институт бўлим бошлиғи Л. Милованн вазифасидан четлатишрди ва давлатга келтирилган моддий зарарни қисман қоплаш учун унга уч ойлик маош миқдорида жарима солди.

Куйбишев району

Район халқ контроли комитети навбатдаги мажлисида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтн ётоқхоналарида яшовчи студентларнинг уй-жой-маиший шароитининг аҳволини қайта текшириш натижаларини кўриб чиқди. Институт раҳбарлиги (ректорн С. Искандаров, хўжалик ишлари бўйича проректорн В. Енбулаев) томонидан комитетнинг 1983 йил 25 февралдаги қарорн бажарилмаяпти.

Комитет хўжасизлик, ётоқхоналарда санитария режимнига риоя этилмаганн учун В. Енбулаевга виговор эълон қилди.

Ленин району

Район халқ контроли комитетн ўтказган текширишда «Средазтрансстрой» трестининг 704-қурилиш-монтаж поездида қурилиш-монтаж ишларн ва товар-қурилиш маҳсулоти реализацня қилиш планларн бажарилмаётганн, транспортнинг бўш турнб қолиши ва иш ҳақининг ноишлаб чиқариш ҳаражатларига йўл қўйилаётганн аниқландн.

Комитет кўрсатилган нуқсонлар ва камчиликлар учун 704- қурилиш-монтаж поезди бошлиғи С. Тетеновга қаттиқ виговор эълон қилди ва унга пул жаримаси солди.

Октябрь району

Район халқ контроли комитетн «Главташкентстрой»нинг «Ташинжстрой» трести ва «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг боғдорчилик шркатларн фаолиятидагн нуқсонлар ва камчиликлар тўғрисидагн масаланн кўриб чиқдн.

Комитет йўл қўйилган нуқсонлар учун «Ташинжстрой» трести 8-қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Патютько, 1-қурилиш бошқармаси бошлиғи М. Клубаков, шу трест 6-механизация бошқармаси бош инженерн В. Саяпин, трест бош бухгалтерн Р. Демиденко ва «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорн ўринбосари Ю. Атаманчукга, бош бухгалтерн Л. Макаровага, ишлаб чиқариш бўлимн бошлиғи Н. Гукасовга жазо чораларнин қўлладн.

Акмал Икромов району

Район халқ контроли комитетн навбатдаги мажлисида қора металлардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Комитет йўл қўйилган нуқсонлар учун металлга қайта ишлов бериш бирлашмаси бош директорн М. Султонов ва подшипник ремонти заводи директорн ўринбосари Ф. Абдураҳмоновни қаттиқ жазолади.

Сергели району

Район халқ назоратчиларн атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон ССР Давлат инспекцияси ва район санитария-эпидемиологня станцияси мутахассислари билан биргаликда райондагн айрим корхоналарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар қандай бажарилаётганини текширишди.

Директив органларининг кўрсатмалари бажарилмаётгани учун комитет ошхона ва бошқа мебеллар заводи директор ўринбосари И. Ризаметова виговор эълон қилди. «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус мебель заводи бош инженери Б. Авазов, 141-юк автотранспорт корхонаси бош инженерн Д. Ҳамтов масъулиятга тортилдилар.

Фрунзе району

Район халқ контроли комитетн 1984—1985 йиллар куз-қиш мавсумига қонниқарсиз тайёргарлик кўрилганн учун 85-ЖЭУ бошлиғи А. Ғуломова, 27-ЖЭУ бошлиғи А. Отабековга, «Таштекстильмаш» заводи бош инженерн Ю. Казанова, 2502-автоколонна бош инженерн С. Сагдянга, 103-АТП директорн З. Умаралиевга жазо берди.

Ҳамза району

Комитет район Совети депутатларн ва халқ контроли группаларн билан биргаликда райондагн қатор корхоналарда темир йўл транспортидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишларнинг аҳволини текширди.

Вагонлар нормадан ортиқ бўш турнб қолишини камайтириш чораларн кўрилмагани, юк ортиш-тушириш ишларини ташкил этишдагн нуқсонлар учун комитет ёғ-мой комбинати директорн А. Маҳмудовни, транспорт бўлимн бошлиғи Н. Гузевни, 11-дон маҳсулотларн комбинати директорн вазифасини бажарувчи С. Умаровни, 2-йирик панелли уйсозлик заводи директорн ўринбосари С. Бегматовни, завод транспорт цехи бошлиғи Р. Анзаевни ва енгил металл конструкцияларн заводи директорн А. Малявинни жазолади.

Чилонзор району

Район халқ назоратчиларн кмзосиз хат юзасидан текширнш ўтказиб, «Ташметрострой» трестининг механизация бошқармасида молия интизомн қўпол бузилганлигни фактларини аниқладн.

Комитет нуқсонларга йўл қўйилганн учун бошқарма бошлиғи Ю. Атаманчукга, бош бухгалтерн Л. Макаровага, ишлаб чиқариш бўлимн бошлиғи Н. Гукасовга жазо чораларнин қўлладн.

Фельетон

ҒАРОЙИБ КОЛЛЕКЦИЯ

«Хобби» деган сўзнинг маъносини биласизми! Ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўяй: бу ишдан бўш пайтларда шуғулланиладиган эрмак деганн. Кимдир расм чизишни ёқтирадн, бошқа биров ажойиб буюмлар ясайдн. Бурганн тақалаган, буғдой донасига портрет чизган одам тўғрисида эшитгансиз. Бу ҳам «Хобби». Айниқса, бизнинг даврнмизда кенг урф бўлган одат — коллекция тўплаш. Ишқибозлар нималарни йиғишмайди дейсиз!! Машҳур спортчиларнинг кўйлак-иштонидан тортиб, отининг тақасигача, гугурт қутисн қоғозлари-ю, анвойи нчимликларнинг шишасигача... Хуллас, кўнгилнинг кўчаси кенг.

Меннинг бир «Хобби» таништим бор. У ҳам ашаддий коллекциячи. Лекин унинг «хобби»си ҳеч кимникига ўхшамайдн. Чунки у пиво ва минерал сувлар шишаларидан, сут-қатиқ ва нон маҳсулотларн нчидан топилган жонли ва жонсиз ашёларнн тўплайдн. Коллекциясида нодир экспонатлар ҳам кўп. Масалан, у Тошкент минерал сувндан топилган қўнғиз ва сувараклари алоҳида спиртли шишаларга солиб қўйибдн. Уларнн авайлаб-асрайдн, ер-кўкка ишонмайдн. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотларн нчидан топилган пашшалар, хилма-хил тошлар, хас-чўплар ҳам кўп.

Яқинда ана шу таништимнн кўчада учратиб қолдим. У дўпписини яримта қилиб, шоҳрнинг машҳур сатрларнни хиргойи қилиб келарди:

— Толеимнн тола-тола айлади бир тола соч...

— Ҳа, тинчликмн, коллекцияинг яна бойиндимн дейман, —сўрадим ундан.

— Албатта-да, — деди у илжайиб. — Кеча ўзимнзнинг дўкондан бир нечта обн-нон сотиб олган эдим. Узмям роса таклганман. Чунки бнрн куйиб кетган, бошқаси эса жиққа хамир. Қўлинг дард кўрмагур нонвойларимиз шаҳар аҳолисинн таъминлаш учун шошилишса керак-да! Хуллас, бир амаллаб, икки-учта нон танлаб олдим. Нонуштада нштаҳа билан бирнин синдирнб, озгинига солдим-у дарров қайтариб олдим. Чунки узун бнр тола соч тишимга ўралиб қолганди. Жуда суюниб кетдим. Дарҳол авайлаб олиб, қоғозга ўрадим. Эндн лабораторияга олиб кетяпман. Балки бирорта машҳур шахснинг соч толасидир.

— Қўйсангчи, овора бўлиб нима қиласан, оддий соч бўлса керак-да.

— Сен коллекцияни эмассанда. Экспонатларнинг ҳақиқий қимматини билмайсан. Масалан, Франциядя Наполеоннинг бир тола сочини бир неча милнон долларга сотишган. Ажабмас, мен топган соч ҳам бнронта машҳур шахсга алоқадор бўлса.

— Бўлмаса мен сенга бир ёрдам берай. Халқ назоратчиларига мурожаат қилиб кўрамиз. Улар озиқ-овқат корхоналарида ҳам бўлиб туришади. Лабораторияларга ҳам қўллари етади. Бир пасда соч толаси таркибини ҳам, қандай йўл билан нон ичига кирнб қолганини ҳам аниқлаб бершади.

Таништим розн бўлди. Шаҳар халқ контроли комитетн назоратчилари эса Тошкентдагн бир қатор озиқ-овқат корхоналарида бўлиб, уларда санитария-гигнена қоидаларнга қандай риоя қилинаётганлигнни текшириб чиқдилар. Ҳамма нарса ойдин бўлдиқўйди. Уларнинг кўпчилигида озодаликка риоя қилинмас экан. Масалан, 3-нон заводида (директори Н. Муродов) технологик жиҳозларнинг бир қисми эскирганлнги, хамир қорадиган машина яроқсиз ҳолга келганлнги аниқланди. Қўшимча хоналар, кнйим ечадиган жойлар, обн-нон, булка нон цехларидагн санитария аҳволи ҳам асло талабга жавоб бермайдн. Махсус кнйимлар етишмайди. Дераза ва эшиклар тўр билан қопланмаганн учун пашшалар бемалол учиб юришибдн. 2-нон заводида (директори С. Қосимов) ҳам аҳвол бундан яхшн эмас экан. Бу ерда ҳам технологик жиҳозларнинг бир қисми ремонтталаб. Обн-нон цехи, кондитерлик цехининг аҳволи ҳам ниҳоятда ёмон. Заводнинг 70 ходимндан фақатгина 19 кишн медицина кўригидан ўтган. Махсус кнйимлар кам, пашшалар ғужғон ўйнайдн.

Назоратчилар бу ердагн аҳволдан етарлн хулоса чиқаргач, Тошкент сут ишлаб чиқарнш бирлашмасига қарашлн 1-корхонада (директор вазифасинн бажарувчи Х. Муҳнддинов) бўлдилар. Текширилган кунн таййорланган 45 минг простоквашадан 8 минг бутилкаси технологик жараённнг бузилишн туфайли брак қилинган. Тайёр маҳсулотнн жўнатиш экспедициясининг санитария аҳволи талабга жавоб бермайдн. Сут ташиёдиган автомашиналар цнстерналарнинг механик ювиш нши йўлга қўйилмаган. Совутилмаган сут ишлатилиши туфайли сут ва сут маҳсулотларининг ачиқимтирлиги кўпайган. Сут сақланадиган идишлар ҳам тезда ремонт қилинишн зарур.

2- ва 3-нпво заводларида ҳам назоратчилар кўз ўнгида аянчли манзара намоён бўлдн. Пнво қуядиган машиналар нфлос. Ишлаб чиқарнш хоналарндагн идишлар эскирган, пачоқ. Иш жойларн, хоналар, жиҳозлар ва умуман территорнялар тозалнги талабга жавоб бермайдн.

Хуллас, ўша кунн назоратчнлар озиқ-овқат ишлаб чиқарнш ва сотнш билан шуғулланадигаи бир қатор корхона ҳамда муассасаларда бўлишдн. Уларнинг текширишн натижаси шаҳар халқ контроли комитетнда муҳокама қилинниб, айбдорлар тегишлн жазо олдн.

Мен эса коллекцнячи таништимнн хурсанд қнлолмайдиган бўлдим. Чунки у топган янги экспонат ҳеч бир машҳур шахсга тегишлн бўлмай, балки нон цехи ходимларининг гигнена қоидаларига риоя қилмаганлнги туфайли тушган соч толаси бўлиб чиқди. Лекин у ҳэфа бўлмаса ҳам бўладн. Чунки озиқ-овқат корхоналарида санитария-гигнена қоидаларига тўла риоя қилинмас экан, унинг коллекцнясн бойнйверадн. Ёки Тошкент сут ишлаб чиқарнш бирлашмаси, «Ташкентхлеб», «Ташкентпиво» ишлаб чиқарнш бирлашмаларн раҳбарларн бошқача фикрдамнкинлар!

Н. МУҲАММАДИЕВ.

ЭНГ ЯХШИЛАРГА—МУКОФОТ

Тошкент шаҳри халқ контроли комитети халқ контроли органларида фаол ва самарали ишлаётганларнинг бнр группасинн Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида 14-поликлиника халқ контроли группаси раиси Т. Я. Еқубов, Ленин район халқ контроли комитети штатсиз инспектора Ю. Каган, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика комитетининг халқ контроли группаси раиси И. М. Тошкент комбинат фабрикаси халқ контроли группаси раиси С. Г. Ка

ФАКТЛАРНИ РАССОМ ШАРҲЛАЙДИ



Ҳамза район уй-жой эксплуатация трести бошлиғи Р. Акмалов меҳнаткашларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқишга яхши эътибор қаратмайди. Сохта жавоб бериш билан шуғулланади.

Шу йилнинг ўтган етти ойида тушган 270 та шикоятдан 92 таси ёки 36 проценти кўриб чиқиш учун юқори ташкилотларга юборилди. 58-турар-жой шаҳарчасидаги 82—85-уйларда яшовчи аҳолидан иситиш масаласида учинчи маротаба шикоят тушди.

Тошкент политехника институти халқ назоратчилари ўқув корпуслари янги ўқув йилига тайёрлигини текшириб, бош корпус томи ремонтга муҳтожлигини аниқлашди. 47, 51, 52 ва бошқа аудиторияларнинг шифт ва деворлари нам тортган эди. Пол ремонтга муҳтож, санитария-техника жиҳозлари йўқ. 200 квадрат-

КУЙЛАЙМИЗ ШАЪНИНГНИ, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!

Адабиёт ва Санъат

Жонажон Ўзбекистонимиз қардош халқларнинг аҳил ойласида тобора гуллаб-яшнамоқда. Бугунги кунда унинг меҳмондўст аҳли етти иқлимдан меҳмон кутиб, саховат билан дастурхон ёзади, республика 60 йил ичида босиб ўтган йўлининг зафарли босқичлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Янги шаҳарлар, замонавий корхоналар ва сув иншоотлари, пахтадан тикланган тоғ-тоғ хирмонлар ва энг муҳими фидойи, олижаноб идеалларга садоқатли янги авлод... Уларнинг ҳар бири ўзи бир достон.

Ўлкамиз, унинг Шарқда машъал пойтахти — Тошкент кўплаб шеърий ва насрий асарларга мавзу бўлган. Бу асарларда Улуғ Октябрь зиёсидан нурафшон бўлган диёрнинг камоли, меҳнатсевар аҳлининг саодати ва ёрқин келажаги завқ билан тараннум этилади. Ана шу мавзудаги шеър ва ҳикоялар республикамиздагина эмас, қардош ўлкаларда, чет элларда ҳам яратилмоқда.

Қуйида сиз қардош Иттифоқдош республикалар адибларининг ўлкамиз ва унинг меҳнат аҳлини улуғловчи асарлари билан танишасиз.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ—АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ



Серқуёш республикамизда Осиё ва Африка ёзувчиларининг учрашувлари, қардош республикалар адабиётн кунларининг ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу анжуманларда сўз усталари ўзаро тажриба алмашадилар, республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишадилар.

СУРАТДА: диёримиздаги ана шундай маросим учрашувларидан бири.

Сулаймон РУСТАМ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Озарбайжон ССР халқ шоири.

● Сулаймон Рустам — машҳур Озарбайжон ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Озарбайжон ССР халқ шоири. У озарбайжон ва рус тилларида чоп этилган ўнлаб шеърий тўпламлар, драмалар муаллифидир. Кўпгина асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган сатрлар Мақсуд Шайхзоданинг шахсий архивидан олинди.

ОНА ШАҲАР

Тошкент, қадим шаҳар, қулоқ сол бир оз,
Қардошинг Бокунинг шоир ўғлига.
«Жон» дейди бағрингда куйлаган бу соз,
Боғингда, боғчангда жой кўрсат унга.

Ўзимдан тушмайди шуҳратинг, отинг,
Суҳбатда мен нуқул шаънингни дейман.
Кўзимдан бир лаҳза йироқ бўлмадинг,
Мен сенн ҳар қайда Ватан атайман.

Бирдир байроғимиз, бирдир орзумиз,
Бирдир қўшиғимиз эл орасида.
Пайкар соф нишимни ҳар йиғит, ҳар қиз
Шоир кўксимдаги сўз дарёсида.

Эй зангор дўппили, гул кийган шаҳар,
Она бешигисан қаҳрамонларнинг,
Манглайда қуёшдай порлайди зафар,
Иссиқ қучоғисан мард инсонларнинг.

Мен сенга мафтунман йиллардан бери,
Менинг армонимда, тилагимда сен.
Ўзбек қардошимнинг дилбар шаҳари,
Туққан шаҳаримдай юрагимда сен.

1959 йил.

ЎЗБЕК ҚАРДОШ

Ўзбек қардош! Сени ҳар кўрганимда —
Нозик торда гўё диллар жаранглар.
Кўшиғимга қўшганингда сен овоз,
Оқар сойлар, жўшқин селлар жаранглар.

Кўп севаман менга тўғма тилингни
Қаттиқ-қаттиқ қисаман ўнг қўлимни,
Кезганимда сенинг озод элингни,
«Ҳай қардош!» деб ширин тиллар жаранглар.

Ўзбек қардош! Бор кўнглимда ҳурматинг,
Туганмасдир бойликларинг, сарватинг,
Ер юзига ёйилганда шуҳратинг
Бир оғиздан ҳамма эллар жаранглар.

1959 йил.

М. ШАЙХЗОДА таржимаси.

Аннаберди ОТАБОЕВ
Туркманистон.

СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН

Серқуёш Ўзбекистон ҳақида ўйлаганимда, унинг мангу навқирон пойтахти Тошкент сари отланганимда, ҳар гал кўз ўнгимда шундай манзара гавдаланади: Катта Ўзбек академик театри майдонида Алишер Навоий билан Махтумқули бир-бирларига юзма-юз юриб келишмоқда... Бу — шоирона тахайюл-да, деб ўйламанг тағин, йўқ-йўқ, 1966 йили, куз кунларининг бирида, Ўзбекистонда Туркманистон адабиёти ҳафталигининг очилиш маросимида худди шундай бўлган эди!

Кейинги йигирма йил давомида нафақат Иттифоқимизнинг, балки бутун етти иқлим халқларининг адабий-маданий алоқалари, тинчлик йўлидаги ҳамнафаслиги, ҳамкорлигининг ривожланишида катта хизмат қилаётган, жаҳон ижодкорларининг дўстпарвар мезбони бўлиб эътибор қозонган Тошкентга мен ҳам бир неча марта келганман.

Ўзбек юртига қилган илк ташрифларимдан бирида дўстларим мени Бухорога, сўнг Хивага олиб боришди. Бухорода адабиётимизнинг классиги Берди Муродович Кербобоев яшаган, Хивада Шерғозихон мадрасасида туркман адабий тилининг отаси, улуғ мутафаккир Махтумқули сабоқ олган. Аммо ҳар икки шаҳарнинг фазилати бундагина эмас, албатта; бу икки қадимий маскан, Ўрта Осиё ва Шарқ маданияти ҳамда фанининг муборак қадамжоларидан бўлиши билан бирга, энг муҳими, инқилобий ҳаракатлар амал топган, эркинлик туғи юксалган, социалистик ўзгаришларнинг буюк бешиги ҳамдир. Ана шу сафаримда, айниқса, Хива музейида кўрганим тарихий ашёлар, хусусан, маҳаллий халқ аҳволини, келажагини ёрқин ифодалаган Владимир Ильич Ленинннинг: «Эндиликда хивалик деҳқон Хива хонининг оёқлари остида яшамайди» деган сўзлари эсимда қолди. Ана ўшанда ўзбек диёрига бағишланган қатор шеърларимнинг биринчиси ёзилди.

Энг сўнгги уч дақиқа
Қолди, бил, эй сўнгги хон!
Кечар бу уч дақиқа —
Хонлигинг бўлар яксон!
Маузер кўзи сенда,
Омма нафрат ёғдирар,
Йигирманчи йил сени
Аркингдан улоқтирар!
На ҳолиқ, на набийсан —
Интиқом тонги отгай!
Сибир қори жазокор —
Кўзларинга мил тортгай!..
Ўтажак кун, ою йил,
Оқар сувдай ўтар вақт,
Туғилар янги авлод —
Сени билмовчи мутлақ!
Йигитлар суюб ўпар
Қизларнинг сочларини;
Боғларда ўрик пишар...—
Сен кўрмассан баринн!
Сен тарк этган девонга
Бугун кириб борурман.
Сенга мажҳул келажак —
Етмишинчи йиллардан!
Бунда даврнинг ва сенинг
Тақдиринг ҳал этаман —
Қўзғолган халқим билан
Ҳукмнома битаман!
Девон... бунда — қон, жаллод
Қурбонлар урар фарёд...
Уч дақиқа вақтинг бор,
Бу не — жавоб бер, жаллод!
Сенинг собиқ хонлигинг
Улкан бир кунда эди,
Жабрдийда эл сенга
Фақат дод, лаънат деди.
Вақт етди, қутулмассан
Энди ажал комидан —
Кўксингга ўқ қадалар
ХОРАЗМ
ХАЛҚИ НОМИДАН...
Менга сўз бер, тўхта,тўпончи,
Менга сўз бер, ўртоқ
комиссар!
Кўм-кўк дарахт кўзлари билан
Бугун юртга солдим мен назар,
Шамол бўлиб йўлларда
кездим,
Боқдим одамларнинг кўзига,
Бир улуғвор туйғуни сездим,
Айтай, қулоқ бергин сўзимга!
Масжидларнинг қадим қуббаси
Порлар озод қуёш нурида —
ХОРАЗМ ХАЛҚ
ЖУМҲУРИЯТИ
Аён еру эл суруридан!..
Халқ номидан!.. — ҳайқирар
боғлар.
Халқ номидан!.. — дейди
ўртоқлар...
Хуллас, сўзим шу менинг:
«Жуда тўғри қилгансиз
Ингирманчи йилларда
Ҳеч нега шафқат қилмай,
Ўч олиб қотиллардан....».

Мен Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Барот Бойқобилов, Гулчеҳра Нуруллаева, Ўлмас Умарбеков, Машраб Бобоев, Эътибор Охунова каби шоирлар ва драматурглар билан бирга ўзбек тупроғининг минг-минглаб чақиримларини қадамба-қадам кезиб чиқиш бахтига муяссар бўлганман, ана ўшанда ўзбек халқининг ерга нечоғли меҳр қўйганини — бир қулоч жой ҳам ишловсиз қолмаганини, ҳар одим пешона тери билан обод этилганини кўрганман. Кўм-кўк, ранго-ранг товланувчи далалар ўзбек халқининг қадимий бекасам тўнини эслатган, кўзимга бутун ўзбек ери бекасам кийган улкан баҳодирдай кўринган. Ҳурматли оқсоқоллар, ота-боболари деҳқон ўтган бу юрт кишилари ҳамон ўз даларларига ўхшаб бекасам чопон кийишади. Бунда улуғ бир ҳикмат, ворисийлик тимсоли мавжуд. Бу она ер билан инсоннинг абадий бир бутунлиги рамзидир!

Бундан ўн йилларча бурун адиб дўстларим билан бирга Андижонга сафар қилгандик. Ушанда бўлажак улкан сув иншооти — ГЭСга, сув омборига мўлжалланган жойни кўрдик. Йўлдошларим менга қурилиш бошланишидан олдин бу ердаги эски Кампирработ қабристонини кўчиришганини айтишди. Бағоят катта, янги, замонавий қурилишнинг қўллари бу ерда ўтган қадимий аждодлар суягини тупроқ қаъридан тортиб олиб, янги бир сукутгоҳга қайта қўйди... Ана шу пайтда мен ўзбек тупроғи қатламлари ниқобини эшитгандай бўлдим ва уни шеърга солдим.

Бугунги кунда Совет Ўзбекистони, худди менинг жонажон Туркманистонимдай, олтмиш йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон ССР ва унинг Коммунистик партияси олтмиш йиллиги — айни ўринда миллий маданият ва адабиётнинг олтмиш йиллик тараққиёти, гуллаб—яшнаши демакки, бу борада ўз юрти ва халқининг бемисл фазилатларини куйлаган санъат аҳлининг, жумладан менинг ижодкор дўстларимнинг ўзига хос хизмати бор. Ўзбек адибларига мансуб маърифат карвони ҳамон йўлда, унинг зиммасидаги бебаҳо бойлик нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Совет Иттифоқи элларининг, жумладан, туркманларнинг ҳам хазинасидир.

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси.

Туманбой МЎЛДАҒАЛИЕВ,
Қозоғистон ССР Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА

ДЎСТИМГА МАКТУБ

Даламдан бошланса йўл
Йўлларингга туташдн.
Азал-абад элдош эл
Ўртада мол, бог, даштн.
Ен босдинг менга ҳар чоқ
Жондошим — туғишганим.
Қиз олиб қочса қозоқ,
Аттанг, деб қувишмадинг.
Не-не қозоқ қизи ҳам
Бўлиб кетган чин ўзбек.
Дўстим, йўқ сендан гинам,
Дилда йўқ афсус ва кек...
Бизнинг сулув овуллар,
Ўзбекнинг ўз овули.
Аввал қозоқ тилимлар,
Пишса ўзбек қовуни.
Сен, десалар қалбда ёз,
Пешвоз чиққум қўлда гул.
Эгинимда ёнган либос
Пахтаойнигдан буткул.
Сиз қаро кўзларсиз ҳеч
Манзилим кўзланмагай.
Икки элга қўш севнич
Навоий ҳамда Абай.
Марралар ўрлар ўктам,
Ой-кунлар ғамхўр бизга.
Ҳамкордир Авезов ҳам
Ойбегу Ғафур бизга.
Иккиси — кўзу қарог,
Тўйин бирга тўйлайдн.
Мухторни қўмсаб қозоқ
Шайхзоданн ўйлайдн.
Оламга таратдик донг,
Тонг қолди жумла-жаҳон.
Зулфиядек азиз ном
Бизга ҳам фахр ва шон.
Дўстмиз, демасдан туриб
Дўстлиги аён эдмиз.
«Пахтакор» — «Қайрат» бўлиб
Гоҳ ғолибу гоҳ тенгмиз.
Олдга элтар юкнм кўп,
Сенсиз ҳолнм етмайдн.
Тошкентнинг тўйи букун
Олмаотасиз ўтмайдн.
Шул офтоб экан ҳамдам,
Тизгинни бермай қўлдан
Келажак йилларда ҳам,
Боражакмиз шахт, илдам.

ОТАЁР таржимаси.

Сергей ДАНИЛОВ,
РСФСР.

ЎН ТЎРТ КОМИССАР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

1919 йилнинг 18 январидан 19 январига ўтар кечаси Тошкентда, ўқчилар кўчасида шундоққина казарма девори ёнида ўн тўрт туркистонлик комиссарни оқ гвардиячи исёнчилар отиб ўлдирдилар.

У тун эди ойсиз, зимистон.
Отилдилар ўн тўрт комиссар —
Хира чироқ нурида бир он
Қалқиб, йитди метин деворлар...
Ана, ревком ётар жонсиз, тек.
Оқ исқиртлар ўқ узди унга.
Йиқилишдан аввал улар, лек
Отдилар бир одим олдинга.
Қоронғуда ёнар ялтиллаб
Ўн тўрт фуражкада бешюлдуз —
Буйруқсиз ҳам қўрқоқ қотиллар
Тисарилди орқага шу кез!
Комиссарлар турдилар собит,
Метин бўлди сўнгги қадам ҳам...
Исён ўтн сўнди, ҳар зобит
Маҳв этилди, ҳақдир интиқом.
Вокзалолди майдони кунда
Гавжум бўлар: бу ерга сайқал —
Комиссарлар шаънига бунда
Урнатилган ёдгорлик, ҳайкал.
Тош обида узра алвон туғ,
Комиссарлар бормоқда олға.
Ҳар бир дилда бу ўн тўрт улуғ
Уйғотади ғурурли долға.
Гар уруш ўз оловин ёққай,
Юртга душман ҳамла қилгай гар,
Тош масканни тарк этиб чиққай
Собитқадам ўн тўрт комиссар!

Русчадан таржима.

Жамол ИНЖИЯ,
Грузия ССР.

ШАРҚ ДУРДОНАСИ

Алвон шафақ ёнар машриқ уфқида —
Тошкент наҳорнга сарлавҳан ол.
Дўстлик ва қардошлик шаҳри устида
Дўстлик ва қардошлик байроғи мисол.
Шаҳар уйғонади — кўчалар дуркун —
Ишлайдн, ўқийдн, фикр қиладн.
Ўзбекнинг пойтахти бўлганн учун
Ўзбекдай, кунига шукр қиладн.
Гуржиман, айтайин дилдаги борим:
Тошкентим, доимо иқболинг кулсин.
Шундай тиниқ бўлсин доим наҳорнг,
Доим бошда дўппинг чамбарак бўлсин!

ШОТА РУСТАВЕЛИ КЎЧАСИДА

Бу кўчанинг файзу тароватини
Чизиб бероларди қайси мусаввир!
Икки халқ қалбининг саховатини
Бир суратга жамлаб бўлармн ахир!!
Гуржи номидагн бу ўзбек кўча
Доим очиб турар бизга бағрини.
Пойларга меҳрдан поёндоз тўшаб,
Ўтинг дер дўстликнинг очиқ дарсини.
Қани, даврага жам бўлайлик, дўстлар,
Иқбол юлдузини ҳар ким санасин.
Ўртага чиқ, синглим, беназир Дилбар,
Чилдирма қилиб чал тўлин ойни сен!

Машраб Бобоев таржималари.

Тулепберган МАТМУРОДОВ,
Қорақалпоғистон АССР.

БУ АЖОЙИБ БЎСТОН...

Баробарсан сен жаннатнинг жойига,
Назарим Фарғона боғига тушар.
Тошкент десам, ўранган гул-шойига
Бир зебо келинчак ёдимга тушар.
Қадимдан бу ўлка ҳикматга тўлиқ.
Ёши ҳам кексаси кўксида қўли,
Ҳаммага теппа-тенг очиқдир дили.
Сийласам, мурувват жойига тушар.
Сулувлар нозланиб ўтса ёнингдан,
Хуш оғиб, хабарнг бўлмас жонингдан.
Бир қултум чой қўшар қувват таниига,
Ўзбегим, ўз оғам, ёдимга тушар.
Бу ажаб бўстонга кўнглим боғланар,
Нафис гўзалликка диллар чоғланар.
Саҳнага кўрк бўлиб дилбар сопланар
Бир олов дилларнинг қўрига тушар.
Мирзачўлда қутлуғ гўзал қўрғонлар,
Андижонда оппоқ-оппоқ ҳирмонлар,
Хоразмда неча нурли маконлар,
Завқ бериб юракнинг тўрига тушар.

Қорақалпоқчадан
Қ. Ўтаев таржимаси.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚОНЛИ РЕЖИМГА ЁРДАМ

ГВАТЕМАЛА. Гватемаланинг қонли режимига ҳарбий ёрдамни кенгайтираётган Рейган маъмурияти яқин вақт ичида бу режимга яна 65 миллион доллар миқдорида маблағ бериш ниятидалиги Гватемала ташқи ишлар министри Ф. Дрейфус маълум қилди. Бу ўз навбатида мамлакат ҳарбий режимининг бошқа оммасидан яширин, Гватемала режимини учинчи мамлакатлар орқали қуроллантиришга интилиб келган эди. Бу ишда Исроил содиқ шерик бўлиб, Вашингтон билан Лотин Америкасидаги диктаторлик режимлари ўртасида ишончли воситачи ролини ўйнади. Хабар қилинишича, ҳозирги ёрдамнинг энг катта қисми халқаро ривожланиш бошқармаси — бошқа мамлакатларга, шу жумладан қўғирчоқ режимларга «иқтисодий кўмак» бериш учун АҚШнинг давлат йўли орқали юборилади.

Панамада учрашган вақтларида режим бошлиғига ана шу маблағ ваъда қилинган.

Шу пайтга қадар Оқ уй ўз ёрдамининг ҳақиқий миқдорларини кенг жамоатчилик оммасидан яширib, Гватемала режимини учинчи мамлакатлар орқали қуроллантиришга интилиб келган эди. Бу ишда Исроил содиқ шерик бўлиб, Вашингтон билан Мехия давлат секретари Ж. Шульц яқинда

ҲИНДИСТОННИНГ ХАВОТИРЛИГИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди бутун дунёда кескинликни кучайтираётган қуролланиш пойгаси давом этаётганлигидан хавотирлик билдирди. Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи деб хабар қилади ПТИ агентлиги. Бихар штатидаги Патна шаҳрида ўтказилган митингда нутқ сўзлаб, Ҳиндистон қўшни Покистоннинг актив ҳаракатларидан ташвишланаётганлигини қайд этди. Покистон ўзининг ядро қуролини яратишга интилмоқда. И. Ганди Ҳиндистон ядро энергиясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланаётганлигини таъкидлади.

АҚШ Покистонга ҳамон кенг кўламда ҳарбий ёрдам бериб келаётганлиги ҳам Ҳиндистон ҳукуматини чуқур ташвишга солмоқда, деб уқтирди И. Ганди. У Исломобод ҳарбий режимининг чет эллик ҳомийларини Покистонни Ҳиндистонга гижгижлашда айблади.



Венгриялик Эрно Рубик яратган кубик ишқибозларни кўпайиб бормоқда. Шу боисдан яқинда Будапешт шаҳрида кубик бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда 19 мамлакатдан келган вакиллар ўзаро куч синашишди. Кубик ихтирочиси Эрно Рубик бошлиқ жюри чемпионат қатнашчиларининг мусобақасини кузатиб борди. Бу ўзига хос мусобақада 16 ёшли америкалик Минх Тхан ғолиб чиқди.

СУРАТДА: чемпионат ғолиби Минх Тхан. ТАСС фотохроникаси.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Миср пойтахтида совет фильмлари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик СССР билан МАР ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисида имзоланган протокол доирасида ўтказилмоқда.

Совет кинофильмлари Қоҳирадаги «Карим» ва «Носир» сингари йирик кинотеатрларида намойиш этилади. Томошабинлар икки ҳафта мобайнида совет кинематографчил а р и яратган бир қанча фильмларни кўрадилар.

● САМОЛЁТДА... ДУНЁ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Брюсселнинг Юккль коммунасида яшайдиган туризм индустрияси соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи Бруно Ленэн дунё бўйлаб ғалати саёҳатга отланди. Ҳамма гап шундаки, унга ижзмат кўрсатадиган транспортнинг ягона тури жаҳоннинг саксондан зиёд авиакомпанияларн ишлаб чиқарган самолётлар бўладн.

Саёҳатга йўл олган Бруно Ленэн учиш олдидан пойтахтнинг Завентем аэропортида контролерларга авиация билетига ўхшайдиган ва 109 саҳифадан иборат қўниш талонларини бирлаштирган китобчани кўрсатдн. Саёҳат пайтида Б. Ленэн элликта мамлакат устидан учиб ўтиш ва ҳавода 85.623 километр йўлни босиш керак. Дунё бўйлаб самолётда бўладиган бу ғалати саёҳатга роппароса бир йил кетади.

● СОҒЛИҚ ВА ФОЙДА

Тамаки ишлаб чиқарувчилар ва оммавий ахборот воситаларининг ижзматчиларн Ирландия ҳукуматининг ҳаракатларига қаршн кескин норозилик билан чиқдилар. Бу ерда гап шундаки, республика соғлиқни сақлаш министрлигининг кўрсатмасига биноан тамаки фирмаларн ўзларининг капитал жамғармаларидан икки процентини чекишга қаршн кураш кампанияси фондига ва шу чекиш туфайли хасталикка учраган касалларни даволаш фондига ўтказишлари шарт. Хўш шундай экан, ҳукумат қароридан норози бўлган фабрика эгаларн ёнига нега газеталарининг вакиллари қўшилишди, деган савол туғиладн. Бунн оддий ва лўнда қилиб шундай изоҳлаш мумкин: кўрилган фойданинг анчагина қисмига тамаки маҳсулотларнин реклама қилиш туфайли эришилган-да!

● АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ҲАМ ТИШИ ОҒРИГАНМИ?

Баъзн пайтларда тиш оғрнги хасталиги юзнрги замон тараққиётн туфайли содир бўлган, деган гаплар қулоққа чалинib қолади. Хўш, бизнинг қадимги авлоду аждодларимизнинг тишн соғ бўлганми, улар протез тишларга эҳтиёж сезишмаганми! Бундан тўрт ярим минг йил илгари ҳам сунъий тишлар фнникийларга эрамизга қадар 2400 йилда эса стругларга яхшн маълум бўлган экан. Тиш протезнни XVI асрда япон врачи ўзнга таниш бўлган бир хонимга қўйган.

● БИР ШИША ВИНО— 10 МИНГ ФУНТ СТЕРЛИНГ

1924 йилги ҳосилдан тайёрланган «Кларет» маркали бир шиша француз виноси Лондондаги «Сотби» савдо фирмасининг аукционида қарийб 10 минг фунт стерлингга сотилди. Гарчи бу шишанинг ҳажми одатдаги шишаларникидан саккиз марта катта бўлса-да, бирбир сотилган бу вино бизнинг асримизда тайёрланган ва баҳоси рекорд даражага чиққан вино бўлиб қолади, деб хабар берди чет эл ахборот агентликлари.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

22 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

ОЛМАХОН ХАЙИТОВА, ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Муножот ИЎЛЧИЕВА, Аҳмаджон ШАРИПОВ, Салоҳиддин ЛУТФУЛЛАЕВ, Робия ОЛИМЖОНОВА, Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Доно ШОРАҲМЕДОВА, Жамила ИЎЛДОШЕВА, Эгамберган ЁҚУБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари Олмахон ХАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Шавкат МИРЗАЕВ.

1 : 8

Хуштаъм ичимлик ҳосил қилиш учун концентрацияланган томат шарбатини шундай тақсимдаги сув билан аралаштириш кифоя:

Яъни яним литрли банкадаги шарбатдан 4 литр томат ичимлиги тайёрлаш мумкин.



Агар сиз табака тарзидаги жўжадан тайёрланган таом учун ўткир хушбўй соус тайёрлашни истасангиз, шарбатни бироз қуюқроқ қилинг ва унга укроп, петрушка, кашнич, саримсоқ, туз ва мурч солишни унутманг.

Концентрацияланган томат шарбатини томат пастаси сифатида ҳам қўллаш мумкин.

У Ўзбекистон ССР Консерва корхоналари томонидан янги узилган, сершира помидорлардан — фойдали моддалари энг кўп даражада сақланиб қолишини кўзловчи технология асосида ишлаб чиқарилади.

Ҳажми 0,5, 0,65 ва 1литр бўлган шиша банкаларда чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА-САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ.

ЧЕТ ЭЛ МЕБЕЛИ—КРЕДИТГА

ШАҲАР МЕБЕЛЬ МАГАЗИНЛАРИДА ИМПОРТ МЕБЕЛЛАРИНИ

КРЕДИТГА СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ҚУЙИДАГИЛАР КРЕДИТГА СОТИЛМОҚДА:

баҳоси 1500 сўм ва ундан ортиқ бўлган ИМПОРТ МЕБЕЛИ;

баҳоси 1000 сўм ва ундан ортиқ бўлган юмшоқ МЕҲМОНХОНА (импорт) МЕБЕЛИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Чет тилларини ўргатадиган

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тингловчилар олий ўқув юртларига кириш учун мўлжалланган, шунингдек кандидатлик минимуми имтиҳон программаси бўйича инглиз, немис ёки француз тилини ўрганадилар.

Машғулотлар 15 ноябрдан бошланади ва ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 19. 00 дан бошлаб (4 академик соатда) ўтказилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Курсантларга институтнинг лабораториялари ва ўқиш зали бериб қўйилади.

Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 115—алоқа бўлими, Муқимий кўчаси, 104—уй, 126—хона, 17.00 дан 20.00 гача. Телефон 77-06-83.

ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ЗАРУР: ректор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

ОЛМАХОН ХАЙИТОВА, ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Муножот ИЎЛЧИЕВА, Аҳмаджон ШАРИПОВ, Салоҳиддин ЛУТФУЛЛАЕВ, Робия ОЛИМЖОНОВА, Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Доно ШОРАҲМЕДОВА, Жамила ИЎЛДОШЕВА, Эгамберган ЁҚУБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари Олмахон ХАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Шавкат МИРЗАЕВ.

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ


1-МАГАЗИНИДА

(Киров кўчаси, 17-уй)

22—26 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

рангли тасвирдаги «СЛАВУТИЧ Ц-202» ва оқ-қора тасвирдаги «СЛАВУТИЧ-219», «СЛАВУТИЧ-220» телевизорларининг

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



«СЛАВУТИЧ Ц-202» — рангли тасвирдаги унификацияланган, ярим ўтказгичли — интеграл схемадаги телевизор, юксак сезувчанлик қобилиятига эга.

«СЛАВУТИЧ-202» телевизорида сенсор қурилмаси қўлланилган. Қўшимча созлашга эҳтиёж йўқ, чунки автоматик созланади. Схема ва конструкциясида ярим ўтказгичли микросхемалардан фойдаланилган. Экрани ҳажми диагонали бўйича — 61 см. Телевизор корпуси қумматбаҳо ёғочлар билан безатилган.

Баҳоси — 665 сўм.

«СЛАВУТИЧ-219» ва «СЛАВУТИЧ-220» — унификацияланган лампа-ярим ўтказгичли телевизион приёмникларидир. Стол устида ва полда қўйиладиган тарзда, корпуси ва олди панелига турли хил безаклар берилган вариантларда чиқарилади.

Телевизор частоталар метрли диапазонида гетеродин частотасини автоматик созлаш қурилмасига эга, у бир программадан иккинчисига қўшимча созлаш ишларини бажармай ўтиш имконини беради. Кучланишнинг автоматик созлаш мосламаси барқарор тасвирни таъминлайди. Горизонтал развертка частотаси ва фазасини автоматик созлаш мосламаси шовқинлар таъсирини энг кам даражага тушириш имконини беради.

Баҳоси — 296 сўм.

Телевизорларни нақд пулга ва имтиёзли шартларда кредитга — эски телевизорни топшириш ва телевизор баҳосининг икки процентини тўлаган ҳолда сотиб олиш мумкин.

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ДАВОМИДА СОТИЛГАН ТЕЛЕВИЗОРЛАРГА ҚЎШИМЧА ГАРАНТИЯ БЕРИЛАДИ.

Магазинда харидорлар учун қўшимча хизмат тури — телевизорни уйга элтиб бериш ташкил этилган.

Магазин 10 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус 14 дан 15.00 гача.

Транспорт: метронинг «В. И. Ленин номидаги майдон» станцияси.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 33-24-02).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ

СИМЛИ ЭШИТТИРИШ АЛОҚА КОРХОНАСИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

радиолаштириш линияларини эксплуатация қилиш бўйича алоқа электромонтёрлари ва ремонт бўйича алоқа электромонтёрлари.

Меҳнат ҳақи — вақтбай, **радиотрансляция точкаларини ўрнатиш ва ремонт қилиш бўйича алоқа электромонтёрлари.** Меҳнат ҳақи — ишбай; **нутқ товуш кучайтириш аппаратурасига хизмат кўрсатиш ва уни ремонт қилиш бўйича техниклар, симли эшиттириш аппаратурасига хизмат қилиш бўйича техниклар, радио эшитганлик учун абонент ҳақини қабул қилиш ва йиғиш бўйича операторлар, моддий омбор мудири.**

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукофотли турига амал қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона—Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети

Бош савдо бошқармаси

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

контролёр-кассирлар тайёрлаш бўйича

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА

озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи кичик сотувчиларни тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини тамомлаганлар катта магазинларга ишга юборилади ва уларга имтиёзли равишда совет савдо техникумининг кечки бўлимига ўқишга кириш имконияти берилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 9, 1, 10, 24, 8-трамвайлар: 39, 22, 55, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Справкалар учун телефон 55-75-15).



АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ҚАРИНДОШЛАР ВА ЁР БИРОДАРЛАРИНГИЗНИ УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 67 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАШНИ УНУТМАНГ!

Табрик телеграммалари, хатлар, открыткалар, бандероллар ва совға посилкаларини жўнатишни сўнгги байрамолди кунларига қолдирманг.

Бошқа шаҳарга жўнатиладиган топшириш муддати кўрсатилган табрик телеграммаларини қабул қилиш 4 ноябрда, маҳаллий телеграммаларни қабул қилиш 5 ноябрда тўхтатилади.

Телеграммаларни жўнатаётганда қабул қилиб олувчи ва жўнатувчининг адресида уларга хизмат кўрсатадиган алоқа бўлимининг номерини албатта кўрсатинг.

Почта жўнатмаларини қабул қилиб олувчи ва жўнатувчининг адресида жой номидан олдин олти рақамли почта индексини, жой номидан кейин эса алоқа бўлимининг номерини кўрсатинг.

Қабул қилиб олувчининг адресидаги олти рақамли почта индексини конвертнинг пастки чап бурчагида махсус ажратилган катакларга стиллашган рақамлар билан ёзинг, адресда эса алоқа бўлимининг номерини ёзинг.

Жўнатувчининг адресида ҳам олти рақамли почта индексини кўрсатишни унутманг.

Хатларни фақат 114x162 мм., 162x229 мм., 229x324 мм. размердаги стандарт конвертларда жўнатинг.

Ёдингизда бўлсин! Барвақт жўнатилган ва тўғри адресланган почта жўнатмалари ва телеграммалар ўз адресатларига тезроқ етиб боради.

ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ ИДОРАСИ

нон, крупа ва бошқа унли маҳсулотлар чиқиндиларини нақд пул эвазига — ҳар килограмми учун 12 тийин баҳосида тўлашни уюштиради.

Озиқ-овқат чиқиндилари 8.00 дан 19.00 гача, танаффус—13.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунларисиз қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гоголь кўчаси, 38-уй («ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатри қаршисида).

ЛЕНИН РАЙОНИ 3-ҚЎЙЛИҚ МАССИВИ 34-ЖЭК, 17-уй («Олимпия» кафеси ёнида);

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ, 11-квартал, 65-ЖЭК, 41-уй сут комбинати қаршисида.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ, 17-квартал, 32-уй (метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

НОН ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Шуни ёдда тутингки, сиз тўплаб берган 10 килограмм нон, килограмм крупа қолдиқлари шаҳар аҳолисига сотиш учун 1,5 килограмм гўшт етиштириш имконини беради.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!


«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ

БУКИНИСТИК КИТОБЛАР ЯРМАРКАСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ярмарка М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида 22—26 октябрь кунлари соат 11.00 дан 17.00 гача ишлайди.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

— орган Ташкентского го Узбекистана и Ташгорсов

(Газета бир йилда 300 мар

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ША

ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ

Телефонлар: секретариат— 33-57-42; партия турмуши— 32-53-66; саноат —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-54-19; фан, мактаб, сан рт — 32-53-10; адабиёт ва санъат—33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарв 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Байроқ орденли боемаҳонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 09525. Б-2015.

ТВ

душанба

22 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.50 РСФСР халқ артисти Ю. Казаков чалади (баян).
18.10 «Горнчилар, қаердасиз!».
18.40 Совет қўшиқларидан концерт.
18.55 «Асримиз йўли». Совет шоирларининг БАМ ҳақидаги шеърлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Ишлар ва одамлар». Жезқазған ва Балхаш конметаллургия комбинатларининг иш тажрибаси ҳақида.
20.20 Бадиий ҳаваскорлар ижодиёти Бутуниттифоқ кўрригн.
20.40 «Урим-йиғим олдидан». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Композитор Анатолий Новиков». Фильм-концерт.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Футбол шарҳи».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Гандбол бўйича «ИГФ» кубоги учун. Эркаклар. «ЗИИ» — Димитров номли спорт клуби (Болгария).
19.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «РТИ» (Минск) — «Университет» (Тошкент).
19.55 «Дунё ва ёшлар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Дўст қалби». Бадиий фильм.
23.30 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми А. Мильников.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 Мультфильм.
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Совет Армияси жангчилари учун. «Ёдимизда ва қалбимизда» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар». Ўзбекистон ССР Давлат телевидениеси ва радиосининг «Булбулча» болалар хори.
20.30 «Ахборот».
20.55 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 М. Бобоев. «Гурунг». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқитувчилар учун консультация (рус.).
18.45 «Қизиқарли математика».
19.20 Врач маслаҳати.
19.35 «Дуэт». Телефильм.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Болалик. Успиринлик, Ёшлик». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).
21.30 МТ II

сешанба

23 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Горничилар, қаердасиз!».
10.25 «Дўст қалби». Бадиий фильм.
11.50 «Саёҳатчилар клуби».
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари.
16.10 «Совет тасвирий санъати». М. В. Нестеров.
17.00 Халқ куйлари.
17.15 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми». Карл Маркс таълимотининг тарихий қисматн.
17.45 Халқаро конкурслар лауреати В. Ересько чалади (фортепьяно).
18.05 «Стадион ҳамма учун».
18.35 «Қувноқ нотачалар».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
20.05 «Островский уйи». ССР Иттифоқ Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
21.30 «Время».
22.05 «Островский уйи» фильм-спектаклининг давоми.
23.40 «Дунё воқеалари».
23.55 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Қизиқувчанлик ҳақида, мактаб ҳақида, шоир ҳақида». Ҳужжатли фильм.
12.05—12.40 «Шахмат мактаби».
14.00 «Дарсга йўл». СССР халқ ўқитувчиси Я. Я. Вилмане ҳақида телеочерк.
14.30 «Вайгач». Илмий-оммабоп фильм.
14.45 Ёзувчи Э. Казакевич ижодига бағишланган кўрсатув.
15.30 Тарих саҳифалари. «Ернинг навқирон соҳиблари».
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар: «Ҳар гал қайтадан бошлаб», «Умидимиз шу яхмалакдан».
21.20 «Арфа янграйди». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Кумуш ёш». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.20 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Москва ёшлар ва студентлар хорининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Тошдаги камалак». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
10.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Л. Дмитерко. «Генерал Ватутин». Украина драма театрининг спектакли. 1-қисми.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Ажойиб мўъжизалар». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Энг яхши тажриба — хўжаликни юритиш практикасига» (рус.).
19.05 «Оқ олтин»ни ёнғиндан сақлайлик» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Гулистон» журнали саҳифаларида.
20.30 «Ахборот».
20.55 Халқ чолғу оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дурангсиз ўйин». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Подпоручик Киже». Фильм-балет.
18.55 Ўқув программаси.
19.25 «Кишилар тақдири», «Сурож-Сугдейя-Судак». Телефильмлар.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чемпион бўлмоқчиман». Телефильм.
20.30 «Болалик. Успиринлик. Ёшлик». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ ОҚШОМИ

22 ОКТЯБРЬ, 1984 й.